

Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди



12:51 / 28.05.2025 1086

Бухорода янги Исломий илмий-тадқиқот маркази – Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди!

2025 йил 21 апрелдаги Муҳтарам Президентимизнинг Фармониغا асосан ташкил этилган мазкур Марказ Адлия вазирлиги томонидан расман рўйхатдан ўтказилди.

Янги Марказ ислом динининг буюк арбоби, Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари зиёратгоҳи ҳудудида жойлашгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Нақшбандия тариқати дунёда энг кўп ёйилган тариқатлардан бири бўлиб, миллионлаб мўмин-мусулмонлар томонидан амал қилинади. Шу боис, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига ҳар йили минглаб зиёратчилар ташриф буюради.

Марказ директори этиб "Чор Бакр" масжиди имом-хатиби, Исламшунослик фанлари бўйича PhD, доцент Азизхўжа Хайруллоевич Иноятов тайинланди.

Аллоҳ таоло бу Марказни янги Ўзбекистонимиз учун муборак қилсин! Улуғ аجدодларимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва тарқатишда бу Марказга баракотлар ато этсин! Омин.

Манба: Naqshbanduz